

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МУТАЛОВА МАМУРА КАРИМЖОНОВНА**

**ГЎЗАНИНГ ТЕТРАПЛОИД ТУРЛАРИДАН СЕЛЕКЦИЯ УЧУН ЯНГИ  
ДОНОРЛАР ЯРАТИШДА КАРИОЛОГИК УСЛУБДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract  
of doctor of philosophy (PhD)**

**Муталова Мамура Каримжоновна**

Фўзанинг тетраплоид турларидан селекция учун янги донорлар яратишда кариологик  
услубдан фойдаланиш ..... 3

**Муталова Мамура Каримжоновна**

Использование кариологического метода у тетраплоидных видов хлопчатника по  
созданию новых доноров для  
селекции..... 22

**Mutalova Mamura Karimjanovna**

The use of the karyological method in tetraploid species of cotton to create new donors for  
selection.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МУТАЛОВА МАМУРА КАРИМЖОНОВНА**

**ГЎЗАНИНГ ТЕТРАПЛОИД ТУРЛАРИДАН СЕЛЕКЦИЯ УЧУН ЯНГИ  
ДОНОРЛАР ЯРАТИШДАДА КАРИОЛОГИК УСЛУБДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B336 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сахифаси ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Абдумавлян Абдуллаевич**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Сайдалиев Ҳакимжон,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Бобоев Сайфулла Ғафурович,**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» даги (\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Нариманов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, к/х.ф.д. профессор

**С.К.Бабоев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**М.Ф.Абзалов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолиси тобора ўсиб бораётган шароитда пахта етиштиришнинг барқарорлигини таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Иқлим шароитларининг ўзгариши, курғоқчилик ғўза сифатига, ҳосилига салбий таъсир қўрсатишини инобатга олган ҳолда, гермоплазмалардан ташки муҳитнинг кескин ўзгаришларига чидамли, серҳосил ўсимлик генларини саралаб олиш ғўза селекциясининг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Етиштирилаётган ғўза навларининг генетик асосларини яхшилаш манъбаларидан бири бўлиб, ғўза кариологиясини тадқиқ қилиш, ғўзанинг узоқ турлари гермоплазмасини жалб этиш, уларни генетик потенциалини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талабнинг ортиб бориши билан ривожланаётган саноат талабларига тўлиқ жавоб берадиган навлар яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Янги яратилаётган навлар ва уларнинг дурагайларида морфобиологик, жумладан қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, наслдан-наслга берилиши ва ўзаро корреляцион боғлиқлигининг генетик қонуниятларини аниқлашга доир катта қўламдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда ғўзанинг тезпишарлик, ҳосилдорлик, кўсак йириклиги, тола сифати ва чиқимининг ирсий бошқарилиш хусусиятларини аниқлаш, полигенлар билан назорат қилинадиган миқдорий белгиларнинг қўрсаткичларини оширишда цитогенетик таҳлиллар асосида асосида янги истиқболли тизма ва навлар яратиш тақозо этади.

Республикамизда ғўза селекциясида хромосомалар тузилишининг хусусиятлари, уларнинг тўпламлари, шунингдек, ушбу ўсимликнинг ҳосилдорлигини ошириш механизмлари ҳақидаги билимларга талаб табора ошиб бормоқда. Бу эса биринчи навбатда, хромосомаларнинг бир-бирига ўхшашлик муаммолари, уларнинг цитологик, генетик хариталарини тузиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «...қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги вақтда селекциянинг анъанавий усулларини такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон ғўза хилма-хиллиги генофондидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берадиган тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида" ва 2018 йил 29 октябрдаги Ф-5394-сонли "Қишлоқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ти Фармони.

хўжалигинини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот ишларидан олинган натижалари муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Gossypium* L. тури дунё хилма-хиллигининг учдан бир қисмининг кариотиплари илмий изланишлар орқали ўрганилган. Илмий адабиётларда мавжуд бўлган *Gossypium* L. турининг кариологиясига оид бир қанча манбалар мавжуд бўлиб, дунё хилма-хиллигининг кариотиплари ҳанузгача етарлича ўрганилмаган. Шунга қарамай, илмий адабиётларда ғўза кариологиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган илмий асарлар мавжуд

*Gossypium* L. тури кариологиясининг кенг қамровли ва аҳамиятли изланишларидан бири бу Е.П.Раджаблининг илмий ишларидир. Унинг изланишлари натижасида *Gossypium* L. турининг барча секцияларидан ёввойи ва маданийлашган яъни диплоид ва полиплоидларнинг 10 та туридаги ғўза хромосомаларининг морфологияси ўрганилган. Биринчи маротаба Е.П.Раджабли ўз изланишларида ғўза хромосомаларини морфологиясига кўра, классификациялашни амалга оширади ҳамда уларни географик тарқалиши билан боғлайди.

Асл натижалар бизнинг цитогенетик олимлар томонидан ҳам олинган бўлиб, М.Ф.Санамъян кариотипи ўзгарган мутантларнинг ноёб тўпламини яратди, бу хромосомаларнинг қайта ташкил этилишининг, хромосома этишмовчилигининг, шунингдек муҳим генларнинг баъзи мутацияларининг манбай сифатида илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Турли ҳил хромосома аберрациялари бўлган ғўза мутантларнинг янги тўплами 235 хромосомалараро алмашинувининг янги шакллари, 92 бирламчи ва 22 учламчи моносомиклар, 11 якка танача, 3 та якка изодисомик, 3 та гаплоид ва 36 та десинаптик ўсимликлардан ташкил топган. Бундан ташқари, М.Ф. Санамъян ғўзанинг 20 та янги гомозиготали транслокацияли линияларини олган. Ушбу тўпламнинг хромосомалараро алмашинувининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у гетеро ва гомозигота ҳолатида яратилган бўлиб, бир қатор ғўза хромосомалари ва уларнинг моносомаларини аниқлашда маркер сифатида қўлланилишига имкон берган .

Б.И.Мамарахимов, М. Б. Холиқов, Ҳ.Сайдалиев, Л. И. Холмуродова *G.tomentosum* аутополиплоид иштирокида олинган ота-она шакллари ва F3BI турлараро гибридларининг барқарорлиги масаласини ўрганган. Дастлабки ота-она шаклларидан *G.tomentosum* энг бардошли бўлиб чиқди, беккросс-дуррагайларда эса она шаклидаги ёввойи турлар иштирок этадиган комбинациялар чидамли бўлган. Вертициллез вилт касаллигига чидамли ғўза

навларини етиштириш учун *G.tomentosum* турлари ва гибрид шаклларини бошланғич материал сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқдир деган хуносага келинган.

Ахмедов М.Б. ғўзанинг *Gossypium* L. нинг 27 тури ва 14 кенжакурларини митотик хромосомаларини ўрганган ва хромосома таҳлилини такомиллаштирган. Изланишлар натижасида *Gossypium* L. тури хромосомаларининг морфологияси ва эволюцияси бўйича мажмуавий, кенг қамровли маълумотлар олинган. Шунга қарамасдан, хромосома тадқиқотлари ва хуносаларининг назарий натижаларини амалий селекцияга жорий қилиниши шу пайтгача амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А10-Т96 «Ўрта толали ғўзанинг янги навларининг юқори сифатли, сара уруғлик чигитини уруғчилик ва уруғшунослик талаблари асосида етиштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш» мавзусидаги (2009-2011); ФА-А8-Т023 «Селекциянинг анъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда, ғўзанинг юқори ҳосилли, шўрланган ерларга мос, эртапишар, сувсизликка ва касалликларга чидамли навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини олиб бориш ва конкурс нав синовини ўтказиш» (2012-2014) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич турлар кариотипларининг ўхшашлик ёки фарқланиш даражасини, уларнинг турлараро дурагайлар ва микроспорогенезга таъсирини аниқлаш ҳамда селекцион ишларда фойдаланишдан учун қимматли биотипларни ажратиб олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич турлар, уларнинг дурагайлари ва полиплоидларидаги микроспорогенез жараёнини аниқлаш;

бошланғич турлар, дурагайлар, полиплоидларда тетрадалар таҳлилини қилиш;

бошланғич турлар, дурагайлар ва полиплоидларда чангчилар морфологиясини таҳлил қилиш;

хромосомалар сонини аниқлаш ва бошланғич навларининг (АН-Боёвут-2, Бухоро-6) хромосомаларининг идиограммасини тузиш;

(*G.barbadense* ssp.*ruderale* x АН-Баяут-2, *G.barbadense* ssp.*ruderale* x Бухара-6) дурагайларини олиш ва уларни кариотиплаш;

$F_1$  дурагайлари, полиплоидлари ва бошланғич шаклларининг морфобиологик тавсифини тузиш;

селекция учун қимматбаҳо биотипларни ажратиш;

УзФА-709 нави ва янги линияларнинг морфо-хўжалик белгиларининг кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқот обьекти** ғўзанинг *Magnibracteolata* Tod. секциясига кирувчи тетраплоид турлар *Gossypium barbadense* L., *Gossypium hirsutum* L.,

*G.tomentosum.*, *G.mustelinum*, *Gossypium hirsutum var.morili*, *G.barbadense ssp.ruderale* турлари, АН-Баяут-2, Бухара-6 навлари, уларнинг  $F_1$  дурагайлари, шунингдек  $C_1$ - $C_4$  ўсимликлари, янги линиялар ва ЎзФА-709 нави.

**Тадқиқотнинг предмети** микроспорогенез жараёнини таҳлили, митотик хромосомаларнинг морфологияси, чанг доначаларининг морфологияси, бошланғич шаклларнинг кариологик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, жуфтликларни танлаш асосида олинган дурагайларда, полиплоидларда, янги шакллар ва линияларда чанг доначаларининг хаётчанлиги, тетрада таҳлиллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, цитологик, хромосома-кариологик усуллар, ҳамда генетик- статистик таҳлилларнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

илк бор кариологик маълумотлар асосида олинган дурагайлар ва амфиплоидларнинг морфобиологик, цитологик тадқиқот натижалари аниқланган;

бошланғич шакллар, дурагайлар ва полиплоидлар хромосомаларининг идиораммаларининг қиёсий таҳлил натижалари аниқланган;

бошланғич шакллар ва дурагайлар кариотипларининг структураси микроспорогенез жараёни бузилиш даражасининг чанг доначалари шаклланишига ва тузилишига таъсири аниқланган;

ғўзада дурагайлаш ва экспериментал полиплоидиянинг натижалари дурагайлаш пайтида ота-она шакллар кариотипларининг (идиограмма) тузилишига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор кариологик маълумотлар асосида, ғўзада ҳаётчан дурагай шакллар олиш мумкинлигини башорат қилиш илмий-амалий жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

Кариологик кўрсаткичлар асосида *G. hirsutum* L., *G. mustelinum*, *G.barbadense* L. каби йирик - хромосомали тетраплоидлар она ўсимликлари ва кичик хромосомали тетраплоид *G.tomentosum* иштирокида айрим қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган, яъни йирик кўсакли, узун ва пишиқ толали, тола чиқими юқори ва баъзи бир хусусиятларга эга бўлган дурагайлар олиш мумкинлиги аниқланган;

ғўзада хромосома-кариологик маълумотлардан фойдаланилганда, чатиштириш учун жуфтликларни танлаш мумкинлиги, бу эса амалий ва илмий жиҳатдан фойдали бўлган янги шакллар пайдо бўлишига олиб келиши исботланган;

кариологик усулдан фойдаланган ҳолда амалий селекция учун 4 та янги линия Л-218, Л-252, Л-260 ва Л-136 олинган, ЎзФА-709 навининг популяцион таркиби аниқланиб нав даражасига етказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларда қўлланилган замонавий, цитологик, хромосома-кариологик усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий маълумотларга мос келиши, кўп йиллик қўйилган тажрибаларнинг барқарорлиги, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва ҳалқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси ва чоп этилганлиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хромосома яъни кариологик таҳлиллар асосида геномлараро дурагайлаш билан қимматли биотипларни олиш имконияти ҳамда дунё миқёсидаги мавжуд ёввойи рудерал ва маданий-тропик ғўза турларини селекция жараёнига жорий этиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ғўзанинг янги шаклларини ажратиб олиниши ва улардан генетик-селекция ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланиш имконияти ҳамда эртапишар, тола сифати юқори бўлган ЎзФА-709 навининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзанинг тетраплоид турларидан селекция учун янги донорлар яратишдада кариологик услубдан фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида:

тезпишар, тола чиқими ва узунлиги юқори бўлган ўрта толали Л-218, Л-252 ва Л-260 тизмаларни донор сифатида “Ғўза генофонди” ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган ва жорий даврда тадқиқот ишларини олиб боришга жалб қилинган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йил 11 апрелдаги 4/1255-1137 сон маълумотномаси). Натижада ушбу ноёб шакллар ғўзанинг дунёвий генофондини бойитиш ҳамда коллекцион намуналар бўйича электрон базасини шакллантириш имконини берган;

ғўзанинг ёввойи тетраплоид турларидан кариологик услубда аниқланган хромосомалар мутаносиблигидан ФА-А8-Т026 рақамли “Дунё ғўза генофонди тетраплоид турлари навларининг хилма-хиллигини ўрганиш, хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий потенциалига баҳо бериш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тетраплоид турлар ва намуналарнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини генетик-селекцион баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йил 11 апрелдаги 4/1255-1137 сон маълумотномаси). Натижада тетраплоид турлар навлари хилма-хиллигининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича генетик-селекция ишлари учун тезпишар, юқори ҳосилли донорлар ажратиб олиш имконни берган;

ғўзанинг туричи географик узоқ шаклларни Л-6161 x 75007-3 чатиштириш йицли билан яратилган ЎзФА-709 нави Давлат нав синаш комиссиясининг «грунтконтрол» кўчатзорида амалиётга тадбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 08.08.2019 йил 02/020-1674 сонли маълумотномаси). Натижада ЎзФА-709 навининг қимматли хўжалик белгилари андоза навларга нисбатан тезпишарлиги,

серхосиллиги, тола чиқими ва сифати юқорилиги ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та жумладан, 4 та халқаро ва 1та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот ашёси ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида "*Gossypium L* авлоди турларида кариологик тадқиқотлар" тўғрисида турли тадқиқотчиларнинг *Gossypium L* турининг кариологиясига оид адабий маълумотларини чуқур таҳлил қилган, келиб чиқиши тарихи, *Gossypium L* турининг цитологик ва кариологик хилма-ҳиллиги, шунингдек ғўза кариологиясининг ривожланишидаги ҳозирги тенденцияларни очиб беради.

Диссертациянинг "Тадқиқот шароити, манбалари ва услублари" деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот олиб бориш услублари ва шароитлари баён қилинган. Диссертацияда фойдаланилган цитологик, генетик-кариологик ва статистик услублари тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.

Диссертациянинг учинчи бобида "Ғўзанинг бошланғич турлари, , навлари, дурагайлари, сунъий аллополиплоидларининг морфологик тавсифлари" деб номланиб, турли авлодлар дурагайларининг морфологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари тавсифи берилган.


Тадқиқот ашёси: бошланғич ота ва она турлари, турлараро  $F_1$  дурагайлари, аллополиплоидлар, шунингдек аллополиплоидлардан олинган ўсимлик авлодлари ҳар йили ўсимликнинг ўсиш даврининг охирида ҳисоблаш-тавсифлаш ишлари олиб борилди. Ушбу морфологик тавсифларнинг натижалари диссертатсияда келтирилган.

Бошланғич турлар, турлараро  $F_1$  дурагайлар, аллополиплоидлар ҳамда аллополиплодлардан олинган ўсимликлар ҳар йили ўсув даври охирида тавсифлаб борилган. Ушбу турлар, кенжә турлари ўртасида олинган  $F_1$  дурагайлари күп белгилар бўйича бир -биридан фарқ қиласи.

Биринчи авлод дурагайлари морфологик жиҳатдан турлича. Улар тезпишарлиги, баргининг ҳажми ва шакли, зичлиги, катталиги, биринчи ҳосил шоҳидаги бўғин оралиғи ва кўсакларининг ҳажми каби белгилари билан ҳар бир дурагай комбинациялари бир-биридан фарқ қиласи. Дурагай ўсимликлар яхши ривожланади ва мева тўплайди.

Октаплоид ўсимликларнинг бўйи аксарияти паст, баъзилари ўрта бўйли, баъзида улар пуштсиз, морфологик нотекис, мўрт, ўсимликларининг барглари қалин. Кўпинча тупининг тузилиши ноанъанавий тузилишга эга, баргининг шакли ва юзаси нотекис. Бироқ, баъзи ҳолларда (масалан,  $8n = 104$ ) Бухоро -6 (*G. hirsutum*) x *G. barbadense* ssp. *ruderale* дурагай ўсимликларнинг бўйи 1,2 м. гача етиши, аммо уларнинг ҳосилдорлиги паст, танаси йўғон, пўстлоғи қалин ва мўрт, барглари тўқ яшил, барг пластинкаси қалин, уруғпаллasi йирик бўлиши кузатув натижалари асосида аниқланган.

Октаплоид ўсимликлардан олинган  $C_3$ ,  $C_4$  дурагайларнинг морфологик тавсифида  $C_3$  *G. hirsutum* var. *morili* x *G. tomentosum* - ўсимликлари ўрта бўйли, баландлиги 80,4 см гача, ҳосил шохлари сони-17,2; Тупининг шакли пирамидасимон, шохланиш типи I-II, чекланмаган. Пояси ўртача тукланган, кучли антацион куйишига эга, биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги (hs) - 6,2. Барглари ўртача, тўқ яшил, панжасимон. Кўсак шакли тухумсимон. Уруғлари тукланган. Кўсагидаги чаноқлари сони - 4-5 тани ташкил этади



1-расм. Октаплоидларнинг чигити ва толаси

Такомиллаштирилган услубимизда, маълум хромосома-кариотипик параметрлар бўйича дурагайлаш учун бошланғич ота-она турларини дастлабки саралаш жараёнидан иборат бўлиб, бунда аввал чатиштириб дурагай уруғлар олинади, сўнг колхицин таъсир эттирилиб, полиплоидизация жараёни ўтказилади. Ушбу иш кетма-кетлиг амалга оширилганда, фертиль

полиплоидларни олиш имкони аниқланди, аммо бу ҳосилдорликни пасайтириди. Октааплоидларнинг ҳар бир вариантидан 1 тадан 4-5 тагача тўлиқ кўсаклар олинди.(1-расм). Бу хромосома кўрсаткичларига (параметрларига) асосланган башорат қилиш натижасида амалга оширилди.

Биз томонидан мукаммалаштирилган усулдан фойдаланилганда  $F_1$  дурагай ўсимликларини етиштириш истисно қилинади. Иш натижалари октааплоид ( $8n = 104$ ) хромосома тўплами *Gossypium* L. тури учун полиплодиянинг чегараланган даражаси эканлигини тасдиқлаган тадқиқотчиларнинг фикрларига тўла мос келади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида "**Ғўзанинг бошланғич турлари, навлари, турлараро дурагайлари, сунъий полиплоидларнинг кариологик таҳлиллари ва қиёсий таснифи**" деб номланган бўлимида *Magnibracteolata* Tod. ғўза кариологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ғўзанинг кариологик тадқиқотлари услубига бўлган эътиборни кучайтириш, ушбу тадқиқот усулларини такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш орқали, ушбу экин турининг генетикаси ва селекцияси назарияси ва амалиётидаги бир қатор муаммоларни ушбу усулни қўллаган ҳолда бартараф этиш мумкин. Масалан, нафақат ғўзанинг, балки барча ўсимлик дунёсининг хромосома, кариотип эволюцияси масалалари доимо эволюцион биологиянинг долзарб муаммолари бўлиб келган.

Бундан ташқари, тадқиқотлар натижасида ғўзада ҳамда бошқа ўсимлик турларида хромосома механизмлари мавҳум бўлиб қолмоқда, бу эса келгусида хромосома ва уларнинг кариотипларини фан ва техника ютуқларини қўллаган ҳолда, ушбу йўналишдаги кенг қамровли изланишлар олиб боришни талаб қиласди.

O.Beesley ғўзанинг турлараро дурагайлари ва гексаплоидларида хромосомаларнинг конъюгациясини таҳлил қилиш асосида, полиплоид турларнинг дурагайланиши ва синтезида иштирок этувчи хромосомаларнинг ҳажми алоҳида аҳамиятга эга деган хуносага келади.

Дурагайлаш, экспериментал полиплоидия, шунингдек ғўзанинг янги барқарор шакллари, линиялари, кейинги авлодларда кариотипларни барқарорлаштириш жараёнида юзага келадиган кариотипик ўзгаришлар хақида тасаввурга эга бўлиш учун биз аввал ота-она, кенжа турларнинг кариотиплари тўғрисидаги маълумотларини келтирамиз.

Бошланғич манба сифатида *G. tomentosum*, *G. mustelinum*, *G. hirsutum* var. *morili*, *G.hirsutum* L. сорт АН-Баяут-2, Бухара-6 нави, *G. barbadense* ssp.*ruderale*, ҳамда *G.barbadense* ssp.*vitifolium* var.*brasiliense* турларидан фойдаландик. Ғўзанинг барча бошланғич манбалари *Gossypium* L. турининг *Magnibracteolata* Tod. секциясига киради, буларнинг барчаси  $2n=4x=52$  хромосома тўпламига эга.

АН-Боёвут-2 навининг кариотипига ( $2n = 4x = 52$ ) 12 жуфт метацентрик, 13 жуфт субметацентрик ва 1 жуфт акроцентрик хромосомалар киради. 2-чи жуфт узун акроцентрик хромосомалар, 6-жуфт узун субметацентрик, 10-

жуфт ўрта субметацентрик хромосомалар ва мавжуд 20-жуфт қисқа субметацентрик хромосомалар, йўлдошлилари - атиги 4 жуфт йўлдош хромосомали. АН-Боёвут-2 ғўза навининг диплоид тўпламидаги барча хромосомаларнинг умумий узунлиги 138, 84 + 2,5 мкмга тенг. Битта хромосоманинг ўртача узунлиги 2,67 мкмга тенг келади. (2-расм)



а



б


**2-расм.** Бу ерда а- АН-Боёвут-2 навининг хромосома идиограммаси, б - хромосомалар идиограммасининг схемаси. (*G.hirsutum L.*) ( $2n=4x=52$ )

Турлараро  $F_1$  дурагайларнинг кариотипларининг баъзи характерли таркибий хусусиятларининг қисқача таҳлили.

3-расм (а, б) дан кўриниб турибдики,  $F_1 G.mustelinum \times G.tomentosum$  кариотипидаги хромосомалар жойланиши "соф" турлардаги каби (12-расм) поғоналар узунлиги бўйича "биртекис" эмас. Хромосомаларнинг, яъни идиограмма тузилишининг босқичма-босқич бузилиш хусусияти ушбу кариотипга хосдир. Бизнинг тадқиқотимиздаги бошқа барча  $F_1$  дурагайлари ҳам узунлиги бўйича "биртекис" поғоналарга (градация) эга бўлмади. Идиограмманинг бу шакли ва чўққилари (контурлари) ушбу дурагай хромосомаларининг морфометрик кўрсаткичларига ўхшаш бир нечта морфометрик параметрларга кўра, гурухланганлигини кўрсатди. Идиограммада хромосомаларнинг тарқалишининг бундай кўриниши, эҳтимол мейозда конъюгациянинг, шу жумладан мейотик жараённинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.




а



б

**3-расм.** а-  $F_1 G.mustelinum \times G.tomentosum$  хромосомаси идиограммаси, б- хромосома идиограммасининг жойлашиш нуқталари (контур)


Шундай қилиб, *Magnibracteolata* Tod. секцияси мансуб турлар иштирокидаги турлараро  $F_1$  дурагай кариотипларининг тузилишини таҳлили шуни кўрсатадики, барча  $F_1$  дурагайларда улар учун хос бўлган кариотип хромосома идиограммасининг ўзига хос "расми" (жойлашиш нуқталари, контурлари) билан бир қаторда, хромосомаларнинг идиограммаси узунлиги бўйича бир текисда тақсимланиши, турлар, кенжа турларга ва бошқаларга хос тўғри ва текис каби хусусиятлари йўқлигини кўрсатди. Хромосомаларнинг тўпламдаги бундай тақсимланиши хромосомаларнинг тўғри мейотик конъюгациясини таъминлайди.( 4-расм).



**4-расм.**  $F_1$  *G.mustelinum* x *G.tomentosum* дурагайининг кариограммасини (хромосомалари идиограммаси жойлашиш нуқталари) бошланғич турларнинг кариограммлари билан таққослаш.

*Magnibracteolata* Tod. секциясига оид  $F_1$  авлодида хромосомаларнинг морфологиясида ўхшаш гурухлар мавжудлиги аниқланди. Ҳар бир  $F_1$  ўсимликлари учун ўхшаш хромосомалар сони фақат ушбу ўсимликларга хос микдорий кўрсаткичларга эга. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, биринчи авлод турлараро дурагайларнинг кариотиплари барқарор эмас, улар  $F_2$  авлодидан бошлаб пайдо бўлишни бошлайди.  $F_1$  дурагайларнинг кариотип таҳлиллари шуни кўрсатадики,  $F_1$ - барча дурагайларда хромосомалар сонининг (аллополиплоидия) икки баравар ортиши орқали ижобий натижаларга эришлди.

Турлараро  $C_1$  -  $C_4$  дурагайларнинг карио тузилишлари. Ушбу бўлимда  $F_1$  ўсимликларига хос бўлган карио тузилишлар хусусиятларини аниқлаш учун турлараро  $C_1$  -  $C_4$  дурагай кариотипларига қисқача тавсиф берилган.




**a**



**б**


**5-расм.** а-  $C_1$  *G.mustelinum* x *G.tomentosum* хромосомаларнинг идиограммаси, б- хромосомаларнинг идиограммаси жойлашиш нуқталари.




**6-расм.** а-  $C_2$  АН-Баяут-2 x *G.mustelinum* хромосомаларнинг идиограммаси, б- хромосомаларнинг идиограммаси жойлашиш нуқталари

Октаплоидларнинг микроспорогенезини таҳлил қилиш катта қийинчиликлар билан боғлиқлиги, майда хромосомаларнинг ( $8n = 104$ ) кўплиги туфайли ва бўлинувчи оналик микроспораларининг микроскопни кўриш доирасидан камлиги туфайли октаплоидлар мейотик хромосома бирлашмаларини ўргана олмадик. Октаплоид хромосомаларни ўрганиш жараёнида биз уларнинг сонини митотик - соматик хужайраларда санаш билан чекландик.

$C_{1-4}$  авлод хромосомаларининг идиограммасида (идиокариограмма) жойлашиш нуқталари чизмаси биринчи авлод дурагайларидан фарқ қиласди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, идиограмма жойлашиш нуқталарининг ифодаси, уларнинг олдинги авлодларда асосан кариотипнинг барқарорлашув давридан ўтганлигини кўрсатади, чунки унинг таркибида асосан узунлиги бир хил поғоналарга эга бўлган хромосомалар мавжудлиги аниқланди.(5,6,7,8-расмлар)



**7-расм.** а- $C_3$  *G.mustelinum x G.tomentosum* хромосомаларнинг идиограммаси, б- хромосомаларнинг идиограммаси жойлашиш нуқталари



**8-расм.** а-  $C_4$  *G.hirsutum var.morili x G.tomentosum* хромосомаларнинг идиограммаси, б- хромосомаларнинг идиограммаси жойлашиш нуқталари

Жадвал-1

*C<sub>4</sub> G.hirsutum var. morili x G. tomentosum (2n=4x=52)* хромосомаларнинг морфометрик тавсифи.

| Хромо-<br>сома<br>раками | Хромосоманинг<br>ўртacha узун.,<br>мкм.<br>$\bar{x} \pm m$ | Хромосома<br>киёсий<br>узунлиги<br>$L^r$ , % | Ценромер<br>индекси<br>$I^c$ , % | Хромосо-<br>ма типи | Хромосо-<br>ма раками | Хромосоманинг<br>ўртacha узунлиги,<br>мкм.<br>$\bar{x} \pm m$ | Хромосома<br>киёсий<br>узунлиги<br>$L^r$ , % | Центрамер<br>индекси<br>$I^c$ , % | хромосома<br>типи |
|--------------------------|--|--|----------------------------------|---------------------|-----------------------|---|--|-----------------------------------|-------------------|
| 1                        | $4,38 \pm 1,00$  | 2,84   | 49,9                             | m                   | 27                    | $2.79 \pm 0.23$   | 1,81   | 48,6                              | m                 |
| 2                        | $4,30 \pm 1,20$  | 2,78   | 50,0                             | m                   | 28                    | $2.79 \pm 0.21$   | 1,81   | 42,9                              | m                 |
| 3                        | $4,14 \pm 1,00$  | 2,68   | 42,3                             | m                   | 29                    | $2.71 \pm 0.30$   | 1,75   | 32,4                              | sm                |
| 4                        | $4,14 \pm 2,00$  | 2,68   | 23,1                             | I                   | 30                    | $2.63 \pm 0.30$   | 1,70   | 48,5                              | m                 |
| 5                        | $4,06 \pm 0,90$  | 2,63   | 49,0                             | m                   | 31                    | $2.63 \pm 0.21$   | 1,70   |                                   | T                 |
| 6                        | $3,98 \pm 0,90$  | 2,58   | 50,0                             | m                   | 32                    | $2.55 \pm 0.28$   | 1,65   | 37,5                              | sm                |
| 7                        | $3,98 \pm 0,90$  | 2,58   | 40,0                             | m                   | 33                    | $2.55 \pm 0.28$   | 1,65   | 37,5                              | sm                |
| 8                        | $3,98 \pm 0,90$  | 2,58   | 30,0                             | I                   | 34                    | $2.47 \pm 0.30$   | 1,60   | 45,2                              | m                 |
| 9                        | $3,82 \pm 0,90$  | 2,48   | 27,1                             | I                   | 35                    | $2.47 \pm 0.30$   | 1,60   | 38,7                              | sm                |
| 10                       | $3,82 \pm 0,80$  | 2,48   | 20,1                             | I                   | 36                    | $2.39 \pm 0.30$   | 1,55   | 50,0                              | m                 |
| 11                       | $3,75 \pm 0,70$  | 2,42   | 42,6                             | m                   | 37                    | $2.39 \pm 0.90$   | 1,55   | 46,7                              | m                 |
| 12                       | $3,67 \pm 0,70$  | 2,37   | 43,5                             | m                   | 38                    | $2.39 \pm 0.90$   | 1,55   | 43,3                              | m                 |
| 13                       | $3,67 \pm 0,70$  | 2,37   | 3,01                             | a                   | 39                    | $2.39 \pm 0.90$   | 1,55   | 43,3                              | m                 |
| 14                       | $3,67 \pm 0,70$  | 2,37   | 3,01                             | a                   | 40                    | $2.39 \pm 0.91$   | 1,55   | 40,0                              | m                 |
| 15                       | $3,51 \pm 0,71$  | 2,27   | 43,2                             | m <sup>t</sup>      | 41                    | $2.39 \pm 0.93$   | 1,55   | 33,3                              | sm                |
| 16                       | $3,43 \pm 0,20$  | 2,22   | 3,01                             | a                   | 42                    | $2.31 \pm 1.94$   | 1,50   | 44,8                              | m                 |
| 17                       | $3,35 \pm 0,30$  | 2,22   | 2,01                             | a                   | 43                    | $2.23 \pm 0.01$   | 1,44   | 46,4                              | m                 |
| 18                       | $3,27 \pm 0,30$  | 2,17   | 47,6                             | m <sup>t</sup>      | 44                    | $2.23 \pm 0.01$   | 1,44   | 46,4                              | m                 |
| 19                       | $3,11 \pm 0,30$  | 2,11   | 36,6                             | sm                  | 45                    | $2.23 \pm 0.01$   | 1,44   |                                   | T                 |
| 20                       | $3,03 \pm 1,20$  | 2,01   |                                  | T                   | 46                    | $2.15 \pm 0.01$   | 1,39   | 48,2                              | m                 |
| 21                       | $3,03 \pm 1,20$  | 1,96   | 47,4                             | m                   | 47                    | $2.15 \pm 0.01$   | 1,39   | 48,2                              | m                 |
| 22                       | $3,23 \pm 1,20$  | 1,96   | 47,4                             | m                   | 48                    | $2.15 \pm 0.30$   | 1,39   | 44,4                              | m                 |
| 23                       | $2,90 \pm 1,20$  | 1,91   | 32,4                             | sm                  | 49                    | $2.15 \pm 0.30$   | 1,39   | 50,0                              | m                 |
| 24                       | $2,90 \pm 1,20$  | 1,91   |                                  | T                   | 50                    | $2.07 \pm 0.30$   | 1,34   | 50,0                              | m                 |
| 25                       | $2,87 \pm 1,23$  | 1,86   | 44,4                             | m                   | 51                    | $1.99 \pm 0.30$   | 1,29   | 40,0                              | m                 |
| 26                       | $2,87 \pm 1,20$  | 1,86   | 36,1                             | sm                  | 52                    | $1.75 \pm 0.30$   | 1,13   | 45,5                              | m                 |

$C_3$  ва  $C_4$  дурагай ўсимликларини ўрганиш, уларни  $2n=4x = 52$  хромосомали ва янги қимматли-хўжалик белгиларини, яъни тезпишар, кўсаги йирик, ноқулай омилларига чидамли, узунтолали ва бошқа белгиларни ўзига мужассам этганлигини кўрсатди.


(1-жадвалга қаранг)  $C_4 G.hirsutum$  var. *morili* x  $G. tomentosum$  ( $2n=4x=52$ ) дурагай хромосомаларининг морфометрик тавсифи, хромосомаларининг ўлчами бўйича маълумотлар келтирилган.

